

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOЛИЯ VAЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**482 «Бухгалтерия ҳисобида ижара операцияларини акс  
этириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш  
ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил  
12 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1961-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қону-  
нига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 11 майдаги  
54-сон «Бухгалтерия ҳисобида ижара операцияларини акс этириш тартиби  
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 1961,  
2009 йил 1 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2009 й., 23-сон, 265-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-  
ради.

**Вазир**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 28 сентябрь,  
75-сон

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2016 йил 28 сентябрдаги  
75-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Бухгалтерия ҳисобида ижара операцияларини акс этириш  
тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқ муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қо-  
нунига мувофиқ **буюраман:**».

2. Низомда:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби  
тўғрисида»ги ва «Лизинг тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, бухгалтерия  
ҳисобида ижара операцияларини акс этириш тартибини белгилайди.»;

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.*

б) 4-банднинг «д» кичик банди биринчи хатбошисидаги «ижара» деган сўз «молиявий ижара» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 28-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«28. Мулкни кейинчалик қайта молиявий ижарага олиш (лизингга олиш) шарти билан сотиш ҳолларида, ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) мулкни сотиш операциялари олди-сотди сифатида қаралади ва сотувчининг бухгалтерия ҳисобида Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БХМС) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»га (рўйхат рақами 1181, 2002 йил 23 октябрь) мувофиқ амалга оширилади.

Кейинчалик молиявий ижара ҳисоби ижарага олувчи (лизингга олувчи) ва ижарага берувчи (лизингга берувчи) томонидан мазкур Низомда ўрнатилган тартибда юритилади.»